

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЭПИДЕМИОЛОГИЯ, МИКРОБИОЛОГИЯ ВА ЮҚУМЛИ
КАСАЛЛИКЛАР ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ**

ТИЛАВБЕРДИЕВ ШУХРАТ АРТИКОВИЧ

**ИММУНОКОМПРОМЕНТИВ БЕМОРЛАРДА ЧУҚУР
МИКОЗЛАР: КЛИНИКА, ТАШХИСЛАШ, ДАВОЛАШ ВА
ПРОФИЛАКТИКА**

14.00.10 – Юқумли касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Contents of the dissertation abstract of doctoral dissertation (DSc)

Тилавбердиев Шухрат Артикович

Иммунокомпроментив беморларда чуқур микозлар: клиника, ташхислаш,
даволаш ва профилактика..... 3

Тилавбердиев Шухрат Артикович

Глубокие микозы у иммуноскомпрометированных больных: клиника,
диагностика, лечение и профилактика.....25

Tilavberdiev Shukhrat Artikovich

Deep mycosis in immunocompromized patients: clinic, diagnostics, treatment and
prevention.....49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....53

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЭПИДЕМИОЛОГИЯ, МИКРОБИОЛОГИЯ ВА ЮҚУМЛИ
КАСАЛЛИКЛАР ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ**

ТИЛАВБЕРДИЕВ ШУХРАТ АРТИКОВИЧ

**ИММУНОКОМПРОМЕНТИВ БЕМОРЛАРДА ЧУҚУР
МИКОЗЛАР: КЛИНИКА, ТАШХИСЛАШ, ДАВОЛАШ ВА
ПРОФИЛАКТИКА**

14.00.10 – Юқумли касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.DSc/Tib305 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифаси (www.tma.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Климко Николай Николаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Россия Федерацияси)

Расмий оппонентлар:

Колбин Алексей Сергеевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Россия Федерацияси)

Ибадова Гульнара Алиевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Худайкулова Гулнара Каримовна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109 Тошкент ш, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент тиббиёт академияси 1-ўқув биносининг мажлислар зали. Тел/факс: +99871-150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru)

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./факс (99871) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ кунни тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги _____ -рақамли реестр баённомаси).

Л.Н. Туйчиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.У. Таджиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Б.М. Таджиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фан доктори диссертацияси (DSc) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Сўнги ўн йилликда инвазив микозлар, яъни микроскопик замбуруғлар туфайли юзага келувчи касалликлар, муҳим клиник муаммога айланди. ЖССТ маълумотларига кўра, «...2018 йил якунларига келиб, бутун дунёда 37,9 миллион одамлар ОИВ-инфекцияси билан касалланган бўлиб, уларнинг сони ортиб бормоқда...»¹. ОИВ-инфекциясининг пандемияси, гемобластозларни учрашининг ортиши микозлар ривожланишининг юқори хавфи бўлган иммункомпроментив беморлар сонини ортишига олиб келмоқда. Чуқур микозларни етарлича ўрганилмаганлиги, ташхислашнинг мураккаблиги, ўтказиладиган давонинг самарасизлиги натижасида, ушбу касалликдан ўлим ҳолати 70-100% ни ташкил этмоқда. Ташхислашнинг мураккаблиги шундаки, беморларда бирламчи ёки иккиламчи оғир иммунтанқислик босқичида ривожланган микозларни учрашини ташхислаш ва самарали даволаш тизимини йўлга қўйиш соҳа олимлари олдида турган долзарб муаммолардан биридир.

Жаҳонда иммунокомпроментив беморларда чуқур микозларнинг клиникаси, ташхислаш, даволаш ва олдини олиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, иммункомпроментив беморларда криптококкоз, аспергиллез ва инвазив кандидозларнинг учраши, уларни даволаш самарадорлигини асослашдан иборат. Иммунокомпроментив беморларда чуқур микозларни ташхислашнинг замонавий серологик услублари самарадорлигини баҳолаш, ОИВ-инфекцияси ва гемобластоз билан касалланган беморларда чуқур микозларнинг кечишини таҳлил қилиш, оппортунистик микозларни ташхислаш, чуқур микозлар қўзғатувчиларининг антифунгал воситаларга сезгирлигини баҳолаш, иммункомпроментив беморларда чуқур микозларни ташхисоти, даволаш ва олдини олиш амалиётларининг самарадорлигини баҳолаш ва ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган тадбирларни такомиллаштириш кабилар алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли чора тадбирлар билан бир қаторда иммунокомпроментив беморларда чуқур микозларни ташхислаш, даволаш ва олдини олиш йўллари оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, «... мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларни яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларда аҳоли орасида турли касалликларни эрта ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий хизмат

¹World Health Organization.HIV/AIDS, 2019.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ҳамда сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали чуқур микозларни эрта босқичларда ташхислаб, ўлим ҳолатларини камайтириш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги ПҚ-3493-сон «Ўзбекистон Республикасида одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот иши Республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича ҳорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³. Иммунокомпроментив беморларда чуқур микозлар: клиника, ташхислаш, даволаш ва профилактикасига йўналтирилган илмий изланишлар дунёнинг қатор етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: National Aspergillois Centre in Manchester (Буюк Британия), New Jersey Medical School's Public Health Research Institute (АҚШ), St George's University of London (Буюк Британия), Global Action Fund for Fungal Infections, Geneva (Швейцария), University of Lübeck (Германия), University of Minnesota (АҚШ), National Mycology Reference Centre (Австралия), Institute of Medical Education & Research (Ҳиндистон), П.Н. Кашкин номли тиббий микология ИТИ (Санкт-Петербург, Россия), Гематология миллий тиббиёт тадқиқот маркази (Москва, Россия), Микробларга қарши химиотерапия ИТИ (Смоленск, Россия), Республика ОИТСга қарши кураш маркази (Ўзбекистон Республикаси), Гематология ва қон қуйиш ИТИ (Ўзбекистон), Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институти (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Иммунокомпроментив беморларда чуқур микозлар: клиника, ташхислаш, даволаш ва профилактикасини такомиллаштиришга қаратилган илмий изланишлар натижасида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: кўзгатувчиларнинг одамларга патогенлиги сифатида муҳимлиги ва

³Диссертация мавзуси бўйича ҳорижий илмий тадқиқотларнинг қуйидаги манбалардаги шарҳи: www.ncbi.nlm.nih.gov/pubmed/, www.who.int/, www.nhlbi.nih.gov/, www.LIFEworldwide.org/, <http://fungaleducation.org/>, <https://www.gaffi.org/>, <https://www.unaids.org/en/>, www.ecmm.info/, <https://www.isham.org/>, <https://academic.oup.com/mmy>, <http://mycology.szgmu.ru/>, <https://mycology.adelaide.edu.au/>, www.msgerc.org/, <http://mycology.cornell.edu/fcollect.html/>, <http://www.aspergillus.org.uk/> ва б.

иммункомпроментив беморларда микозларни даволаш мезонлари асосланган (University of Aberdeen, Буюк Британия); ОИВ-инфекцияси билан уйғунлашган криптококкли менингоэнцефалит касаллиги ва қайталанувчи вульвовагинал кандидознинг ривожланиши исботланган (University of Minnesota, АҚШ Global Action Fund for Fungal Infections, Швейцария; Mycology Reference Centre Manchester, Буюк Британия); сурункали ўпка аспергиллезини ташхислаш ва даволаш самарадорлиги исботланган (National Aspergillosis Centre, Буюк Британия); антифунгал даволаш самарадорлигини оширишда скрининг тизимининг аҳамияти асосланган (University of Manchester, Буюк Британия); инвазив аспергиллезни даволаш учун вориконазолни қўллаш самарадорлиги исботланган (П.Н. Кашкин номли тиббий микология ИТИ Санкт-Петербург, Россия Федерацияси); ОИВ-инфекцияси билан касалланган беморларда сил ва аспергиллезнинг кечиши асосланган (Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институти, Ўзбекистон).

Дунёда иммунокомпроментив беморларда чуқур микозлар: клиникаси, ташхислаш, даволаш ва профилактикасини такомиллаштириш борасида қатор, жумладан куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: иммункомпроментив беморларда чуқур микозларни ташхислашнинг серологик услубларини такомиллаштириш; иммункомпроментив беморларда криптококкоз, аспергиллез ва инвазив кандидозларнинг даволаш самарадорлигини баҳолаш; ОИВ-инфекцияси ва гемобластоз билан касалланган беморларда чуқур микозларнинг кечишини асослаш; оппортунистик микозларни ташхислаш; чуқур микоз қўзғатувчиларининг замонавий антифунгал воситаларга сезгирлигини баҳолаш; иммункомпроментив беморларда чуқур микозларни олдини олиш чора-тадбирларини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мустақил давлатлар ҳамдўстлигида сўнгги йилларда чуқур микозларнинг ташхисоти муаммосига бағишланган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилди (Васильева Н.В. ҳаммуаллифлар, 2013; Бектимиров А.М.-Т., 2013; Клишко Н.Н. 2015; Зюгин И.С., 2016). Сўнгги йилларда қўзғатувчиларнинг тизимли антимикотик воситаларга резистентлиги ошиши кузатилмоқда (Иванова Л.В., 2011; Веселов А.В., Козлов Р.С., 2016; Кулько А.Б., Федорова Н.И., 2018). ОИВ-инфекцияси билан бир қаторда гемобластозларларнинг ҳам қайд этилиши ортиб бориши кузатилмоқда, мос равишда, асоратларнинг, энг биринчи навбатда чуқур микозларнинг учраши ҳам ўсиб бормоқда (Кулько А.Б., 2012; Багирова Н.С., 2013; Филоненко Е.С. ва Крячок И.А., 2015; Клясова Г.А. ҳам муаллифликда., 2017).

Замонавий антимикотиклар, чуқур микозларни профилактика ва даволаш стандартларини, уларни ташхислашнинг самарали услублари ишлаб чиқилишига қарамай замбуруғли касалликлар билан касалланишнинг ортиши давом этмоқда. Микозларнинг қайд этилиши кўпайиб бориши билан бир қаторда, улар билан боғлиқ ўлим ҳолатлари ҳам шиддат билан ўсиб бормоқда (Cleveland A.A., 2012; Brown G.D., et al., 2012; George J., 2016; Denning D.W.

et al., 2017).

Илмий адабиётларнинг таҳлилидан кўриниб турибдики, республикамизда чуқур микозлар ва иммун танқислиги мавжуд бўлган беморлар тўлиқ ўрганилмаган. ОИВ инфекцияси ва гемобластозлар билан оғриган беморларда криптококкоз, аспергиллез ва инвазив кандидознинг тарқалиши тўғрисида маълумотлар йўқ, ушбу микозларнинг ташхиси ва профилактикаси бўйича етарли иш олиб борилмаган, уларнинг клиник кечишининг қиёсий таҳлили ўтказилмаган ва даволаш самарадорлиги баҳоланмаган. Юқорида айтиб ўтилган фикрлар, иммункомпроментив беморларда чуқур микозларни даволашни самарадорлигини ошириш, чуқур микозлар қўзғатувчиларининг антифунгал препаратларга сезgirлигини аниқлаш ва профилактик тадбирларни мақбуллаштириш вазифаларини ҳал этиш учун ташхисот усулларини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ АД-010 «ОИВ-инфекцияланган беморларда қўзғатувчиларнинг антимикотикларга резистентлик таҳлили билан оппортунистик микозларни ташхислашни такомиллаштириш» мавзуси доирасида (2017-2018 йй) бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади иммунокомпроментив беморларда чуқур микозларнинг клиникаси, ташхислаш, даволаш ва профилактикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

иммунокомпроментив беморларда криптококкознинг тарқалганлигини аниқлаш, клиник намоён бўлиши ва даволаш самарадорлигини баҳолаш;

иммунокомпроментив беморларда аспергиллезнинг тарқалганлигини аниқлаш, клиник намоён бўлиши ва даволаш самарадорлигини баҳолаш;

иммунокомпроментив беморларда инвазив кандидознинг тарқалганлигини аниқлаш, клиник намоён бўлиши ва даволаш самарадорлигини баҳолаш;

иммунокомпроментив беморларда чуқур микозларни ташхислашнинг замонавий серологик услублари самарадорлигини баҳолаш;

ОИВ/ОИТС ва гемобластозли беморларда чуқур микозларнинг клиник кечишини қиёсий таҳлил қилиш;

чуқур микозларнинг қўзғатувчиларини замонавий антифунгал воситалар ҳамда маҳаллий биотехнологик Фаргалс воситасига сезgirлигини аниқлаш;

олинган натижалар асосида иммунокомпроментив беморларда чуқур микозларни ташхислаш, даволаш ва профилактика қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2014-2018 йиллар давомида Республика ОИТСга қарши кураш марказининг махсуслаштирилган клиникаси ва Гематология ва қон қуйиш ИТИ клиникасида даволанаётган 38 нафар гемобластоз, 75 нафар ОИВ-инфекцияси ва 38 нафар нафар оғиз бўшлиғи

шиллик қавати кандидози (ОБШҚК) билан касалланган иммункомпроментив беморлар ҳамда 22 та *Candida spp.*, 10 та *Cryptococcus neoformans* ва 8 та *Aspergillus spp.* штаммлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморлар қон зардоби, нафас ва бурун ажралмалари, балғам, бронхо-алвеоляр лаваж, орқа мия суюқлиги олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник, биокимёвий, микологик, инструментал, серологик, иммунфермент, вирусологик, цитологик ва статистик усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор LIFE PROGRAM халқаро модели ёрдамида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида микозларни сезиларли даражада тарқалганлиги исботланган;

илк бор юқори сезгирликга эга серологик диагностика тизимлари (Bio-RAD)дан фойдаланиш асосида юқиш хавфи мавжуд гуруҳлар - ОИВ/ОИТС, гемобластоз беморларида аспергиллез, криптококкоз ва инвазив кандидоз каби чуқур микозларнинг учраши исботланган;

илк бор ОИВ-инфекцияси билан касалланган беморларда оппортунистик инвазив микозларни аксарият ҳолларда моноинфекция шаклининг ҳамда уйғунлашган микозларни ташхислаш зарурлиги исботланган;

илк бор ОИВ/ОИТС, гемобластоз билан касалланган беморларда инвазив аспергиллез, криптококкоз ва инвазив кандидозларнинг клиник кечиши асосланган;

илк бор иммунокомпроментив беморларда инвазив аспергиллез ва инвазив кандидозларни олдини олишда антимикотик препаратлардан фойдаланиш самарасизлиги, ушбу микозларни сонини ортишига олиб келиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

иммункомпроментив беморларда (ОИВ/ОИТС, гемобластозлар) чуқур микозларни ташхислаш, даволаш ва профилактика қилиш самарадорлиги исботланган;

ОИВ - инфекцияси ва гемобластоз билан касалланган беморларда оппортунистик чуқур микозларнинг учраши ва номенклатураси асосий касалликка боғлиқ эканлиги аниқланган. Шунингдек, тегишли шикоятлар ва ҳамроҳ касалликлар билан микозларнинг ривожланишини боғлиқлиги аниқланиб, уларни рўйхатга олиниши, олдиндан ташхислаш ва хавфли гуруҳларни шакллантиришда ҳамда рационал даволашни режалаштириш ва тайинлашда фойдали бўлиши мумкинлиги асосланган;

гемобластоз билан касалланган беморларда инвазив криптококкозни ривожланишини олдини олишда флуказонolni қўлланилиши самарадорлиги асосланган;

оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг кандидозини ва бурун-оғиз учбурчагини ҳосил қилувчи юмшоқ тўқималарининг юзаки аспергиллезини бартараф этиш учун маҳаллий биотехнологик Фаргалс препаратидан фойдаланиш, тегишли инвазив микозларнинг ривожланишини олдини

олишини таъминлаши исботланган;

иммунокомпроментив беморларда микозларни ташхислаш ва даволашда тавсия этилган комплекс ёндашувдан фойдаланиш, стационар даволанишнинг давомийлиги (ўртача 5 кун) камайиб, ОИВ-инфекцияси билан касалланган бемор учун сарфланадиган молиявий сарф -харажатлар 25,0% га, гемобластозлар билан касалланган беморларда эса 17,9% га қисқарган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморларнинг етарли даражада танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги бўлиб, уларга бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, биокимёвий, микологик, инструментал, серологик, иммунфермент, вирусологик, цитологик ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилган. Тадқиқотда турли хил текширув усулларининг қўлланилиши иммунокомпроментив беморларни ташхислаш ва даволаш услубларини ишлаб чиқиш имконини берган, олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, Platelia Aspergillus Bio-RAD замонавий серологик ташхислаш тизимлари ёрдамида иммункомпроментив беморларда (ОИВ/ОИТС, гемобластозлар) чуқур микозларнинг (кандидоз, аспергиллез, криптококкоз) қиёсий таҳлили ўрганилган. Иммункомпроментив беморларда чуқур микозлар қўзғатувчиларининг замонавий антифунгал воситалар ва маҳаллий биотехнологик Фаргалс воситасига сезгирлиги ўрганилган ва илк бор Фаргалс воситасининг аспергиллез ва криптококкозларга антимикотик фаоллиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, аспергиллез ва криптококкоз билан касалланган беморларни даволашда маҳаллий Фаргалс препаратидан фойдаланиш, беморларнинг шифохонада даволанишига сарфланадиган харажатларни камайтириш имкониятини яратган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Иммункомпроментив беморларда чуқур микозлар: клиника, ташхислаш, даволаш ва профилактикаси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Иммункомпроментив беморларда чуқур микозларни ташхислаш ва даволаш» мавзусида услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 17 декабр 8н-з/236-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома иммункомпроментив беморларда (ОИВ/ОИТС, гемобластозлар) оппортунистик чуқур микозларни қўзғатувчиларини эрта аниқлаш орқали, этиотроп даволашни самарадорлигини ошириш ва ўлим ҳолатларини камайтириш имконини берган;

«Иммункомпроментив беморларда микозларни ташхислаш ва даволашнинг замонавий ёндашувлари» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 2 апрелдаги 8н-п/122-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «ОИВ инфекцияси бўйича миллий клиник протоколларни

амалиётга татбиқ этиш тўғрисида»ги 2018 йил 30 апрелдаги 277-сон буйруғига асос бўлган;

иммунокомпроментив беморларда микозларни ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ОИТС га қарши кураш маркази ҳамда Гематология ва қон қуйиш илмий-тадқиқот институтининг амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 2019 йил 17 декабр 8н-з/236-сон маълумотномаси). Натижада ОИВ-инфекцияси ва гемобластоз билан касалланган иммункомпроментив беморларда чуқур микозларни ўз вақтида, аниқ ташхис қўйишга ёрдам беради, бу эса ўз навбатида беморларнинг даволаш самарадорлиги ва ҳаёт сифати ошиши имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий анжуманларда, жумладан 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан 8таси республика ҳамда 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 185 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг объекти ва предмети тавсифланган, диссертация ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технология ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилди, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Иммункомпроментив беморларда чуқур микозлар ҳақида замонавий қарашлар ва уларни назорат қилишга самарали ёндашувлар**» номли биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган бўлиб, иммунокомпроментив беморларда чуқур микозлар ҳақида илмий маълумотлар умумлаштирилган, таҳлил этилган. Ушбу муаммога бағишланган маҳаллий ва чет эл адабиётлари ўрганилиб, микозларни ташхислаш ва даволашнинг ҳозирги ҳолати, кейинги ечимлари талаб қилинадиган долзарб масалалар баён этилган.

Диссертациянинг «**Текширилган материал ва қўлланилган услубларнинг умумий тавсифи**» деб номланган иккинчи бобида

фойдаланилган клиник материал ва тадқиқот усулларига умумий тавсиф берилган. Ишнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ, 2014-2018 йиллар даврида 113 нафар иммункомпроментив беморлар, шундан асосий гуруҳга киритилган гемобластоз билан касалланганлар (38 нафар) ва ОИВ-инфекцияси билан касалланганлар беморлар (75 нафар), ҳамда 38 нафар оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати кандидози (ОБШҚК) асорати бўлган ОИВ-инфекцияси билан касалланган беморларда комплекс текширув амалга оширилди. Бундан ташқари, 72 та замбуруғ штамлари, жумладан беморлардан ажратиб олинган 22 та *Candida spp.* штамлари, 10 та *Cryptococcus neoformans* штамлари, 32 та *Aspergillus spp.* штамлари ҳамда иммункомпроментив беморлар даволанган стационарлар ҳавосини ўрганиш вақтида аниқланган 8 та *Aspergillus spp.* штамлари ўрганилди.

Тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлигига қаршли Республика ОИТСга қарши кураш маркази; Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар ИТИ; Гематология ва қон қуйиш ИТИ ва И.И. Мечников номли ШҒДТУ ДҒТОПТ қошидаги П.Н. Кашкин номли тиббий микология ИТИ, базасида бажарилган (РФ, Санкт-Петербург ш.).

ОИВ-инфекцияси билан касалланган, касалликнинг 3-4 босқичида бўлган 20 ёшдан 65 ёшгача ($40,1 \pm 2,2$) бўлган беморлар бўлиб, уларнинг 46 нафари (61,3%) эркаклар, 29 (38,7%) нафарини эса аёллар ташкил этди.

Клиник тадқиқотларга киритиш мезони: $CD4 \leq 200$ кл/мкл миқдори бўлган ОИВ-инфекцияси мавжуд, нафас олиш ва менингеал белгилари бўлган беморлар. Клиник тадқиқотлардан чиқариш мезонлари: 20 ёшгача бўлганлар ва $CD4 > 200$ кл/мкл га эга беморлар.

Гемобластозлар билан касалланган беморларнинг ёши 10 дан 65 ёшгача бўлиб ($36,1 \pm 1,7$), уларнинг 28 (73,7%) нафарини эркак, 10 (26,3%) нафарини эса аёллар ташкил этди. Клиник тадқиқотларга киритиш мезони: поликимётерапия курсидан кейинги нейтропения фониди ва тушунарсиз этиологиянинг септик ҳолатидаги гемобластоз билан касалланган беморлар.

Клиник тадқиқотлардан чиқариш мезонлари: 10 ёшгача бўлган бемор болалар. ОИВ-инфекцияси билан касалланган беморларда анамнезнинг ўртача давомийлиги йилда $6,0 \pm 0,3$, гемобластоз билан касалланган беморларда эса $2,7 \pm 0,1$ бўлиб, фарқлар статистик жиҳатдан ишончлидир ($p < 0,001$). Гемобластоз билан касалланган беморларнинг 20 нафари ўткир миелобласт лейкоз, 8 нафари ўткир промиелоцит лейкоз, 2 нафари ўткир эозинофил лейкоз, 4 нафари ўткир лимфобласт лейкоз, 2 нафари лимфогранулематоз, 2 нафари сурункали лимфолейкоз билан касалланган беморлардан иборат. Лейкоз бўлган барча беморлар кимётерапия олганлар (доксирубин, винкристин, циклофосфат, метотрексат, цитарабин, этопозид).

Чуқур микозларни ташхис қилишнинг тавсия этилаётган усулларининг самарадорлигини баҳолаш учун ҳар бирида 20 нафар беморлардан (ОИВ-инфекцияси, гемобластоз) иборат 2 та назорат гуруҳидан фойдаланилди, уларни асосий гуруҳ билан ёши ва жинси бўйича таққослаш мумкин.

«Чукур микоз» ташхиси Саратов касалликлари/Микозларни ўрганиш ва терапияси бўйича Европа Ташкилоти EORTC/MSG томонидан таклиф этилган халқаро мезонлар асосида қўйилган (2008).

Олинган натижаларга Excel-Office-2013 компьютер амалий дастури орқали Студент t-мезонини қўллаш асосида вариацион статистиканинг стандарт усуллари ёрдамида статистик ишлов берилди. Ўртача катталиқ $M \pm m$ (ўртача катталиқ \pm ўртача хато) кўринишида тақдим этилди. $p < 0,05$ бўлганда таққосланувчи танланмалар ўртасида статистик аҳамиятли фарқ борлиги тўғрисида хулоса қилинди. Сифатли белгиларни таққослаш эса Хи-квадрат синамаси, Фишернинг аниқлик синамаси ва эҳтимоллик нисбати ёрдамида амалга оширилди. Фарқлар $p < 0,05$ бўлганда статистик ишончли деб қабул қилинган.

Тадқиқотлар икки босқичда амалга оширилган. Биринчи босқичда LIFE Program услуги ёрдамида Ўзбекистон Республикасида микозлар учун дастлабки эпидемиологик кўрсаткичлар ҳисобланган. Асосий замбуруғ касалликлари кўзгатувчиларининг асосий антифунгал препаратларга сезгирлиги, шунингдек маҳаллий биотехнологик Фаргалс препаратига сезгирлиги ўрганилди. Олинган натижалар асосида кейинги текширишлар учун иммунитетни ўта паст беморларнинг муҳим гуруҳлари аниқлаб олинди.

Иккинчи босқичда иммунитетни паст беморларнинг иккита контингентини (ОИВ- инфекцияси, гемобластозлар) чуқур микозлар билан зарарланганлиги, тиббий кечиши, ташхиси, давоси ва профилактикаси жиҳатлари билан бирга таққослаш ишлари амалга оширилди.

Учинчи боб **«Ўзбекистон Республикасида оғир ва сурункали микотик касалликларнинг тарқалганлиги ва уларнинг антифунгал воситаларга нисбатан сезгирлиги»** ни ўрганишга бағишланган. LIFE (Leading international fungal education) халқаро ташкилоти томонидан таклиф этилган LIFE program услуги ёрдамида Ўзбекистон Республикасида микозлар учун дастлабки эпидемиологик кўрсаткичлар ҳисобланди. Ўтказилган тадқиқот республикада биринчи марта бажарилди ва унга кўра, бошқа мамлакатлар, жумладан РФ сингари, Ўзбекистонда микозлар анча кенг тарқалган. Аниқланишича, 2014 йилда Ўзбекистон Республикасида оғир ва сурункали микотик касалликларга чалинган беморлар сони 481290 нафарни ташкил этган. Ўткир микотик касалликлар 17270 нафар, сурункали – 464020 нафарга тўғри келган. Кўпроқ сурункали қайталанувчи кандидоз вульвовагинит (428 000 ҳолатларда) ва оғиз бўшлиғининг қайталанувчи кандидози (27 284 ҳолатларда) каби юзаки микозлар учраган, бу ҳолатлар, айниқса, иммункомпроментив беморларда маълум шароитларда инвазив шаклларга айланиши мумкин. Чуқур микозлар орасида аспергиллезлар (4150) ва инвазив кандидозлар (1825) салмоғи юқори бўлди. Тадқиқот натижалари Ўзбекистон Республикасида микозлар тарқалганлигини кўрсатди, бу эса иммункомпроментив беморларда муҳим аҳамиятга эга бўлган аспергиллез, кандидоз ва криптококкозларнинг инвазив шакллари, эпидемиологик ва клиник хусусиятларини янада чуқур ўрганиш, терапевтик ёндашувлар ва профилактика чора-тадбирларини такомиллаштириш


зарурлигини асослаб берди.

Чуқур микозлар муҳим аҳамиятга эгаллигига қарамай, уларнинг қўзғатувчиларини антифунгал воситаларга сезгирлиги бўйича ҳудудлар бўйича маълумотлар етарли эмас. Шунинг учун, Ўзбекистон Республикасида беморлардан ажратиб олинган *Aspergillus spp.* ва *Candida spp.* штаммлари резистентлигини ўрганиш шубҳасиз илмий ва амалий эътиборга лойиқ. Шунга боғлиқ ҳолда *in vitro* тадқиқотлари ўтказилди. Аниқланишича, ҳозирги вақтда республикада *Candida* замбуруғлари учун эмпирик даволаш жиҳатидан энг самарали антимикотиклар: нистатин, амфотерицин, итраконазол ҳисобланади. *Aspergillus* тури учун эса вориконазол, клотримазол, амфотерицин В, нистатин, кетаконазол. Текширилган штаммлардан энг катта резистентлик флюконазолга нисбатан намоён бўлди, бу ҳолат ушбу препаратни Ўзбекистонда анча вақтдан бери қўлланилиб келаётгани билан тушунтирилади. Нистатинга резистент штаммлар, аксинча камайиб бормоқда, эҳтимол, уни кам қўлланилиши туфайли бўлиши мумкин. Антимикотикларга худди шундай сезгирлик хавfli гуруҳ беморлари даволанган стационарлар ҳавосидан ажратиб олинган аспергиллаларда ҳам кузатилди. Вориконазолга энг юқори сезгирликни *Aspergillus* замбуруғлари кўрсатди. Олинган натижаларга кўра, ўрганилган замбуруғларга нисбатан у ёки бу даражадаги антифунгал таъсир кўрсатадиган препаратлар мавжуд, бироқ *Aspergillus*, *Candida* ва *Cryptococcus* оиласи замбуруғларига қарши бирдек самарали оптимал фармакокинетикали ва токсиклиги паст бўлган препаратлар мавжуд эмас.

Аниқ мақсадга йўналтирилган тадқиқотларнинг ўтказилиши, эътиборни маҳаллий биотехнологик восита Фаргалсга қаратди. Фаргалс автотроф темирни оксидловчи бактериялар метаболитлари мажмуасидан иборат бўлиб, *Candida* оиласи замбуруғлари, бактериялар ҳамда вируслардан ташқари, микробларга қарши кенг таъсирга эга. Натижада мазкур препаратнинг барча ўрганилаётган замбуруғларга қарши юқори фаоллиги аниқланди, аспергилла ва криптококкга нисбатан бу синов биринчи марта ўтказилди. Бу *Candida*, *Aspergillus* ва *Cryptococcus* замбуруғлари сабаб бўлган микозларни даволаш ва олдини олиш учун Фаргалс препаратининг самарадорлигини ўрганишнинг мақсадга мувофиқлигига асос бўлди.

Диссертациянинг **«Иммункомпроментив беморларда инвазив микозларни ташхислашнинг рационал ёндашувлари ва натижалари»** деб номланган **тўртинчи бобид**а хавfli гуруҳга мансуб ОИВ-инфекцияси ва гемобластозлар билан касалланган иммункомпроментив беморларда чуқур микозларни учрашини таҳлили натижалари келтирилган.

Ўтказилган тадқиқотлар Ўзбекистонда илк бор замонавий услубий ёндашувлар орқали ОИВ-инфекцияси ва гемобластоз билан касалланган иммункомпроментив беморларда оппортунистик чуқур микозларнинг ҳақиқий ҳолатини аниқлаш имконини берди. Олинган натижалар 1-расмда келтирилган.



1-расм. Иммуноети паст беморларда чуқур микозларни аниқланиши (% да)

Асосий гуруҳларда чуқур микозларнинг учраши ОИВ-инфекциясида 29,3% ни ва гемобластозларда 57,9% ни ташкил этди. Назорат гуруҳларида эса (текширувнинг анъанавий усулларида) – фақатгина 5,0% ва 10,0 % беморларда микозлар аниқланди, мос равишда.

Замонавий серологик синов-тизимларини қўллаш этиологик агент индикациясини тезлаштирди. Бундан ташқари, уларнинг ёрдамида *Cryptococcus*, *Candida* ни (инвазив кандидозда) аниқлаш ҳисобига, аниқланаётган микозларнинг спектрини кенгайтди, шунингдек, *Aspergillus spp.* ни аниқлаш ҳам ошди.

Мазкур тоифадаги беморларда чуқур микозларни аниқлашга таъсир қилувчи омиллар аниқланди. Бу омиллар микоз зарарланишларнинг билвосита белгилари сифатида хизмат қилиши мумкин ва замбуруғларга нисбатан ҳушёрликни талаб қилади ва мақсадга йўналтирилган тадқиқот ўтказишга ундайди ҳамда этиотроп даволашни эрта бошлашга ёрдам беради.

ОИВ-инфекцияси ва гемобластоз билан касалланган беморларда оппортунистик микозлар мавжуд ёки мавжуд бўлмаганда, уларнинг клиник ва лаборатория кўрсаткичлари меъерий маълумотлар билан қиёслашда фарқлар аниқланган.

Хусусан, қоннинг биокимёвий текширишларида қуйидаги ҳолат кузатилди. Умумий оқсил барча беморларда меъерий кўрсаткичлар чегарасида бўлган. Мочевина ҳам ОИВ-инфекцияси билан касалланган беморларда меъерда бўлган, бунда гемобластозли беморларда мочевина кўрсаткичлари меъердан икки баробар юқори бўлган ($p < 0,05$). ОИВ-инфекцияси билан касалланган беморларда креатинин миқдори меъерий кўрсаткичларга тўғри келган.

Гемобластоз билан касалланган беморларда микоз мавжуд бўлган ёки мавжуд бўлмаганига қарамай, меъерий кўрсаткичлардан паст бўлган

($p < 0,05$). АЛТ ва АСТ кўрсаткичлари ОИВ-инфекцияси билан касалланган беморларда меъерий кўрсаткичлардан анча юқори бўлган, айниқса, микоз мавжуд беморларда ($p < 0,05$).


Гемобластоз билан касалланган беморларда айтиб ўтилган ферментларнинг кўрсаткичлари меъердан анча паст бўлган ($p < 0,05$). Билирубин барча гуруҳларда кўпроқ – гемобластозларда меъерий кўрсаткичлардан анча юқори бўлган ($p < 0,05$).

Микоз мавжуд ва микоз мавжуд бўлмаган гуруҳларда кўрсаткичлар қиёсланганда, билирубин ва холестерин миқдорларида аниқ фарқлар аниқланган ($p < 0,05$). Бунда ОИВ-инфекцияси ва гемобластоз билан касалланган беморларда билирубин миқдорининг ўзгариши турлича эканлиги кузатилган: биринчи ҳолатда микоз мавжуд бўлган беморларда билирубин миқдори юқори бўлган бўлса, иккинчисида – микоз мавжуд бўлмаган беморларда юқори бўлган.

Аниқланган фарқлар иммункомпроментив беморлар аниқ гуруҳларида чуқур микозларнинг патогенетик белгилари билан асосланган ва уларни замбуруғ инвазиясини ташхислаш ва хавфли гуруҳларни шаклланишида инобатга олиш зарур.

Диссертациянинг «Иммункомпроментив беморларда чуқур микозларни клиник кечиши, рационал даволаш ва профилактикасининг хусусиятлари» номли бешинчи бобида хавфли гуруҳга мансуб ОИВ-инфекцияси ва гемобластоз билан касалланган иммункомпроментив беморларда оппортунистик чуқур микозларнинг клиник кечиши, даволаш ва профилактикасининг ўзига хос хусусиятларини таҳлили натижалари баён этилган.

Замонавий ташхислаш билан бир қаторда ўтказиладиган даволаш муолажасининг самарадорлигини таъминлашда, микотик асоратларнинг этиологиясини аниқлаш муҳим ўрин тутди. Иммункомпроментив беморларда аниқланган чуқур микозларнинг турлари ва уларни салмоғи 2-расмда келтирилган.



2- расм. Иммункомпроментив беморларда чуқур микозларни турлари ва уларнинг салмоғи (асосий гуруҳ) %

2-расмдан кўришиб турибдики, ОИВ-инфекцияларда чуқур микозлардан кўпинча криптококкоз аниқланган (36,4%), сўнг аспергиллез (27,3%), криптококкоз ва аспергиллезнинг уйғун зарарланиши 18,2% беморда, инвазив кандидоз (ИК) – 13,6% да ва аспергиллез ва ИК нинг уйғун зарарланиши фақат бир ҳолатда (4,5%) учраган. Гемобластози мавжуд беморларда оппортунистик чуқур микозлар моноинфекция кўринишида кузатилган: аспергиллез (81,8%), ва криптококкоз (18,2%). Микозларнинг бирга қўшилган ҳолда кечиши аниқланмаган.

Ташхислашнинг анъанавий услублари бўлган назорат гуруҳида ОИВ-инфекцияси билан касалланган беморларда чуқур микозларни аниқлаш частотаси 5,0%, гемобластозларда – 10,0% ни ташкил этди. барча аниқланган чуқур микозлар фақат аспергиллез билан намоён бўлган.

Шундай қилиб, текшириш вақтида асосий гуруҳнинг 113 нафар беморларининг 44 нафарида (38,9%) чуқур микозлар, назорат гуруҳининг 40 нафари текширилганда, микозлар уларнинг фақат 3 нафарида (7,5%), яъни камида беш мартага кам бўлган. Аниқланган микозлар аспергиллез, криптококкоз, ИК ва уларнинг биргаликда кечиши билан аниқланган.


Ишончли этиологик ташхиснинг эрта қўйилиши, ўз навбатида, микозларнинг асоратларига қарши тегишли мажмуавий даволашни ўз вақтида бошлашни таъминлади. Даволаш жараёни давомида текширувдаги беморларда оппортунистик инвазив микозларнинг клиник кечиши хусусиятлари ва уни даволашга тегишли ёндашувлар аниқлаб олинди.

Бизлар, жами аспергиллезнинг 27 та ҳолатлари, улардан асосий гуруҳнинг 6 нафар (22,2 %) беморлар ОИВ-инфекцияси ва 18 нафари (66,7 %) гемобластоз билан касалланган беморлар бўлдилар, қолган 3 нафари (11,4 %) – назорат гуруҳидан эканлигини аниқладик. Ёндош касалликларнинг таҳлилига кўра, ОИВ-инфекциясида аспергиллез учун анемия хос бўлди, бу ҳолат ушбу микознинг гематологик кўрсаткичларга патогенетик таъсири белгиси ҳисобланади (эритроцитлар ва гемоглобинни камайиши).


Анемия янада ривожланишига бу беморларда қон тупуриш ҳам сабаб бўлади (балғамда қон бўлиши). Гемобластоз билан касалланган беморларда аспергиллез, одатда, пневмония билан биргаликда кечган, бу ҳолат қуйи нафас йўллари аспергиллалар билан зарарланганидан дарак беради. Келтирилган маълумотлар, иммункомпроментив беморларнинг турли гуруҳларида инвазив аспергиллез кечишининг аниқ фарқларини намоён этди.

Текширувдаги ОИВ-инфекцияси билан касалланган беморларда ҳам, гемобластозлар билан касалланган беморларда ҳам инвазив аспергиллез асосан ўпканинг зарарланиши билан намоён бўлди, бунда шикоятлар, клиник белгиларнинг мавжудлиги, шунингдек, рентгенологик текширишлар натижалари инобатга олинди. Бу ҳолатда, энг кўп маълумот берадиган ва самарали услуб Мультиспирал компьютер томографияси (МСКТ) бўлган (3-расм).

Даволашдан
олдин



Даволашдан
кейин



Ўнг ўпка юқори ўнг томонлама инфилтрати,
хаво бўшлиғи қатлами мавжудлиги, пастки бўлак аспергиллёмаси. Crescent sign – ярим ой симптоми.
Бемор.С. 1984 йил туғилган, к/т.№ 5388, асосий ташхис: ўткир миелобласт лейкоз

3 -расм. Ўпка аспергиллези (МСКТ)

Унинг ёрдамида 58,3% аспергиллези бўлган текширилган беморларда пневмонияга хос ўзгаришлар ҳамда ўпкада деструкция ўчоқлари аниқланган, улар кўпинча, «ореолалар» симптоми билан уйғун келган. Гемоблатоз бўлган беморларнинг бир қаторида касаллик нафас йўллари ва бурун ёндош бўшлиқларида аспергиллаларнинг юзаки колонизацияларидан бошланди, бу ёндош кечган ринитлар ва унга хос шикоятлар билан кечди.

Аспергиллезнинг мажмуавий давоси, антифунгал препаратларни буюриш, хавфли омилларнинг намоён бўлишини бартараф этиш ёки камайтириш ҳамда зарурияти бўлса, зарарланган тўқималарни жарроҳлик йўли билан олиб ташлашдан иборат бўлди. Танланган препарат вориконазол ҳисобланди (1-кун в/и 12 мг/кг, сўнг 8 мг/кг/сут ёки 800 мг оғиз орқали 1-кун, кейин 400 мг/сут 2 марта).

Муқобил препаратлар: каспофунгин (1-кун в/и 70 мг, кейин 50 мг/кг/сут), амфотерицин В липид комплекси (амбизон) (в/и 5 мг/кг/сут). Юзаки аспергиллезда сиртки дори антимикотик сифатида маҳаллий биотехнологик юқори антифунгал таъсири билан тавсифланадиган Фаргалс препарати қўлланилди. Фаргалс зарарланган соҳага малҳам сифатида 2 марта/кунига суртиш, шунингдек, оғиз бўшлиғини чайиш учун дистилланган сувда 1:5 нисбатда аралаштирилиб, 2 марта/кунига 10-14 кун давомида қўллаш буюрилди.

Антифунгал даволашни касалликнинг клиник белгилари йўқолиши, радиологик белгилар тўхташи ёки стабил ҳолатга келиши ҳамда нейтропения даври тугатилишига қадар давом эттирилди. Бемор аҳволининг стабилизациясигача даволашнинг ўртача давомийлиги 20 кун, тўлиқ ремиссия даврига эришиш – 60 кунга тўғри келди. Аммо, иммунсупрессияси сақланиб турган беморларда бундан узоқ даволаш ўтказилди. Хавфли омилларнинг бартараф этилиши ёки камайишига асосий касалликни самарали даволаш, стероидлар ёки иммуносупрессорлар дозасини бекор қилиш ёки камайтириш ҳамда нейтропения коррекцияси ҳисобига эришилди.


Бундан ташқари, ОИВ-инфекцияси ва инвазив аспергиллез билан касалланган беморларни даволашнинг самараси, даволаш жараёнида СД4 лимфоцитлари миқдори динамикаси бўйича баҳоланди. Агар даволашгача

кўрсаткичлар микоз мавжуд бўлмаган беморларга нисбатан паст бўлган бўлса ($91,3 \pm 8,2$ кл/мм³ ва $119,5 \pm 9,8$ кл/мм³, мос равишда, $p < 0,05$), даволашдан кейин микоз мавжуд бўлмаган беморларда СД4 миқдори кўрсаткичларига яқинлашган, ижобий натижалар ошган ($117,9 \pm 10,3$ кл/мм³, микозсиз беморлар маълумотларининг фаркланиши ишончсиз: $p > 0,05$). Криптококкоз 12 та ҳолатларда аниқланган, улардан 8 (66,7 %) нафари ОИВ-инфекцияси ва 4 нафари (33,3 %) – гемобластоз билан касалланган беморлар бўлган. Барча криптококкозли беморлар асосий гуруҳга кирган. Назорат гуруҳидаги беморларда ушбу микоз аниқланмаган.

Ёндош касалликларнинг таҳлили, ОИВ-инфекциясида криптококкоз учун септик ҳолат, нафас тизими зарарланиши (сурункали бронхит) ва Марказий асаб тизимида (МАТ) энцефалопатиянинг мавжуд бўлишини кўрсатди. Гемобластозларда криптококкоз, одатда, нафас тизими (пневмония, ўткир бронхит), бурун шиллиқ қавати (ринит), оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватини (ОБШҚ) зарарланишлари билан кечган.

Шундай қилиб, аспергиллездаги каби иммункомпроментив беморларнинг турли гуруҳларида инвазив криптококкоз кечишида сезиларли фарқлар кузатилди.

Криптококкоз беморларда касаллик асосан менингит кўринишида намоён бўлди. Унинг ўзига хос белгиси мия ички босими 250 мм сув.уст. дан юқори бўлиши ҳисобланди. Бу босим кўпинча, кўрув нерви шишиши, ўзини англашни бузилиши ва патологик рефлекслар билан тегишли шикоятлар билан уйғунлашган. Криптококкозли менингитда рентгенологик текширишлардан бош мияни МРТ текширишини ўтказиш афзал кўрилди (4-расм).



Катта ярим шарлар, базал ядролар, бош мия ўзагидаги кўплаб ўчоқлик ўзгаришлар. Т2 осма расмларида гиперинтенсив мрсигнал, FLAIR импульс кетма кетликда.

**Бемор А. 1980 йил туғилган. к/т№ 259.
Ташхис: ОИВ 4 -кл.босқичи., CD4-27хуж/мл**

4- расм. ОИВ-инфекциясида криптококкознинг намоён бўлиши (бош мия МРТси)

Бунда, беморларнинг учдан бирида (33,3 %) мия қобиғи пардасида атрофия, кам ҳолларда бош мия моддасининг зарарланиши аниқланди. Ўпканинг зарарланишини аниқлашда МСКТ дан фойдаланилди. Бунда интерстициал инфилтрация ва лимфоаденопатия, ноаниқ чегаралари билан субплеврал ўчоқлар, тепа бўлақларининг субплеврал бўлимларида бўшлиқлар ва шарсимон ҳосилалар аниқланган.

Криптококкоз билан касалланган беморларни даволаш, антифунгал терапия, бош мия ички босимни коррекциялаш ва хавфли омилларни йўқотиш ёки камайтиришни ўз ичига олди. Антимикотикларни танлаш ва қўллашни давомийлиги беморнинг ҳолати ва жараённинг жойлашуви, фондаги касаллик ҳамда препаратнинг фармакокинетикаси ва фармакодинамикасига боғлиқ бўлди.

